



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 17 декабрь, № 264 (9159)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



2026 йил Тошкент шаҳри учун «Жадал ривожланиш ва аҳоли даромадлари ўсиши» йили бўлади

Президент Шавкат Мирзиёев 16 декабрь куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Юнусобод туманига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент шаҳри Юнусобод туманида барпо этилган йирик қувватли когенерация станцияси фаолияти билан танишди.

Пойтахтда аҳоли ва иқтисодиёт объектларини қиш мавсумида иссиқлик энергияси билан барқарор ва узлуксиз таъминлаш мақсадида бир вақтнинг ўзida электр ва иссиқлик ишлаб чиқарадиган бир қатор замонавий когенерация қурилмалари ишга туширилмоқда.

Юнусобод туманидаги 4-иссиқлик маркази ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган, қуввати 100 МВт бўлган мазкур лойиҳа ана шундай муҳим ташаббуслардан биридир.

Хитойнинг "CNTIC" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа 3,5 гектар майдонда жойлашди. Уни молиялаштириш учун 65 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбари марказнинг иш жараёни билан танишди.

Когенерация иншоотида Буюк Британиянинг "Rolls-Royce" компаниясининг 70 та газ-поршень ускунаси ўрнатилди.

Қозонхоналардан истеъмолчиларга бугун иссиқлик таъминоти инфратузилмаси реконструкция қилинди. Иссиқлик магистраллари янгиланди. Тармоқлар изоляцияли қувурлар билан алмаштирилди. Бу эса турли даражадаги энергия йўқотишларининг олдини олиш имконини беради.

Марказ ишга туширилиши натижасида йилига 876 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 858 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, йилига 35 миллион кубометр табиий газ иқтисод қилинади.

Эндиликда пойтахтнинг Юнусобод,

Олмазор, Шайхонтохур, Мирзо Улугбек ва Яққасарой туманларида жойлашган жами 1 минг 846 та объект доимий иссиқлик энергияси билан таъминланади. Уларнинг 1 минг 400 таси аҳоли хонадонни, қолган қисми эса ижтимоий соҳа объектларидир. Шунингдек, 292 минг хонадонга электр энергияси барқарор etkazi берилди.

Лойиҳа ишга тушиши билан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатлар 40 — 45 фоизга камаяди. Атмосферага чиқадиган ифлослантирувчи моддалар миқдори сезиларли даражада қисқариб, оқова сув ташламалари юзга келмайди.

Шу ернинг ўзida Президентимиз куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича амалга оширилган ишлар ва иссиқлик марказларини ривожлантириш, Тошкент иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш, пойтахтда ободонлаштириш ишларини такомиллаштириш бўйича тақдирлар, шунингдек, аномал совуқ шароитида хизматга жалб этиладиган куч ва воситаларни тақсимлаш юзасидан тақдиротлар билан танишди.

Пойтахтда 11 минг 630 та кўп қаватли уй бор. Уларга 358 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари уларнинг мавсумга қай даражада шайлиги билан қизиқди.

— Шаҳар шароитида бошқарув сервис компаниялари фаолияти аҳоли ҳаёти билан узвий боғлиқ. Шу боис улар соат механизмидаги аниқ, узлуксиз ишлаши керак. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Эндиликда соҳа ходимларининг дунёқараши ва ёндашуви ҳам ўзгариши лозим. Аҳолининг ҳолидан хабар олиш, кўп қаватли уйларнинг ертўла ва том қисмларини, йўлақар

ва ўйин майдончаларини тартибли сақлаш зарур, — деди Президент.

Шунингдек, энергетика, ободонлаштириш, қурилиш ва сервис тармоқлари масъулларига мавсум давомида тизимли ва мувофиқлашган ҳолда ишлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Юнусобод туманида жойлашган "Юнусобод галереяси" савдо, хизмат кўрсатиш ва бизнес марказига ташриф буюрди.

Икки ярим гектар майдонни эгаллаган ушбу йирик мажмуада 53 минг квадрат метрдан зиёд савдо ва тижорат майдонлари ташкил этилган. 14 миллион долларлик хорижий инвестиция ҳисобига қатор хорижий брендлар ўз фаолиятини йўлга қўйган.

Умуман олганда, мажмуада 100 дан ортиқ савдо нуқталари очилиб, 500 га яқин иш ўринлари яратилган. Марказга йилига 2,5 миллион нафаргача ташриф буюрувчи келиши кутилмоқда.

Лойиҳа қиймати 43 миллион доллар бўлган ушбу мажмуанинг архитектура-дизайн ечими жорий йил МДХ давлатлари ўртасида ўтказилган халқаро мезморилик танловида биринчи ўринни эгаллаган.

Президент шу ерда очилган китоб дўконидан нашриётлар вакиллари ҳамда китобхон ёшлар билан суҳбатлашди.

Китоб савдосини ривожлантириш, умуман олганда, мутолаа маданиятини болаликдан бошлаб кенг омма-лаштиришнинг муҳимлиги, шунингдек, илмий ва бадиий адабиётлар нашрини кенгайтириш, бу борада нашриётларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Пойтахт фаоллари, нуронийлар

ва ёшлар билан самимий суҳбат бўлиб ўтди.

— Барча соҳаларда эришилаётган натижалар, аввало, юртимиздаги тинчлик ва халқимиз ҳамжиҳатлиги самарасидир. Пойтахтимиз кун сайин обод ва кўркем қиёфа касб этмоқда. Бунинг чет элдан келатган меҳмонлар ҳам алоҳида эътироф этмоқда. Бирдамликда гап кўп. Унинг илдизи, энг аввало, маҳалларимизда. Адолатли баҳони ҳам халқнинг ўзи, шу маҳалла беради. Шунинг учун одамларни рози қилишга қаратилган ишларимизни энг қуйи бўғиндан бошладик, — деди Президент.

Марказга ташриф доирасида давлатимиз раҳбарига шу ерда фаолият юритаётган "Unicon-Soft" IT компанияси фаолияти тақдим этилди. Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасида яратилган қулай шарт-шароит ва имтиёзлар натижасида давлат бошқарувини рақамлаштириш, алоҳи инфратузилмасини яхшилаш, IT таълимни ривожлантириш каби кўплаб йўналишларда миллий дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг иштироки изчил кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мубофиқ соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Ушбу жараёнга Юнусобод туманида фаолият юритаётган "Unicon-Soft" компанияси ҳам муносиб хисса қўшиб келмоқда. 2017 йилда ташкил этилган корхона шу кунга қадар республика бўйлаб 70 дан ортиқ дастурий тизимлар ишлаб чиққан ва жорий этган.

Компаниянинг барча ҳудудлар ҳамда 208 та туман (шаҳар)да ахборот тизимларини жорий қилиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича филиаллари мавжуд. Уларда 1,5 мингдан ортиқ ходимлар фаолият юритмоқда, шундан 80 фоизини ёшлар ташкил этади.

Айни пайтда "Unicon-Soft" томонидан рақамлаштириш йўналишида дастурий ва техник воситалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, божхона фаолиятини рақамлаштириш, шунингдек, "Рақамли маҳалла" платформасини жорий этиш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари компаниянинг ушбу йўналишидаги лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Миллий IT маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, ёшларнинг сунъий интеллект технологиялари соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, давлат идораларида рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, Президентимиз Рихсиний кўчасида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари ва замонавий инфратузилмаси кўздан кечирди.

Кўчанинг икки километрик қисмида муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси тубдан янгиланди. Шунингдек, 24 соат фаолият юритадиган савдо, умумий овқатланиш ҳамда

кўнгилочар объектлар ташкил этилди. Натижада 650 та иш ўрни яратилди.

Худудда кунига ўртача 35 мингга яқин автотранспорт воситаси ҳаракатланади. Бунинг илоҳотида олган ҳолда аҳоли хавфсизлиги ва ҳаракат қулайлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Жумладан, 39 минг квадрат метр пёдалар йўлақлари барпо этилди. Юзга яқин видеокузатув камералари ҳамда ўнга яқин фавкулдада чакрив тўғмалари ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг янги биноси ва ўқув-илмий фаолияти билан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 ноябрдаги "Жинойтларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони доирасида Бош прокуратура Академиясини негизда Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил этилган эди.

Академия қисқа вақт ичида тор ихтисослашган таълим муассасасидан прокуратура ва тергов-суриштирув органлари учун кадрларни ягона ёндашув асосида тайёрлайдиган, таълимнинг узлуксиз тизимига эга бўлган, тўлақонли ихтисослаштирилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасига айланди.

Академиянинг профессор-ўқитувчилари ва бошқарув ходимлари таркиби прокуратура, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий ва экспертлик муассасаларида амалий тажрибага эга малакали кадрлар билан тўлдирилди.

Ўтган даврда академияга бириктирилган ҳудуддаги инфратузилма изчил кенгайтирилиб, беш қаватли маъмурий бино, замонавий ошхона, меҳмонхона ва талабалар учун қорвонкир майдони қайтадан барпо этилди ҳамда конференц-зал, кутубхона тубдан реконструкция қилинди.

Бундан ташқари, 2 та ўқув корпуси ва 2 та ётоқхона бинолари қайта таъмирланиб, таълим олувчиларни қамраб олиш имконияти икки бараварга оширилди. Хозирда эса очиб ва ёпиқ спорт мажмуаларининг қурилиши давом этмоқда.

Назария ва амалиёт йўнлигини таъминлаш мақсадида криминалистика полигонлари, суд процесси имитацияси учун махсус заллар, Гезелл ойнаси билан жиҳозланган сўроқ ва таниб олиш хоналари, киберполигон, "даркнет" ва суд-экспертиза лабораторияларидан иборат жами 12 та махсус хона барпо этилди.

Академияда олий таълимнинг икки босқичли тизими — бакалаврият ва магистратура йўлга қўйилган. 2023/2024 ўқув йилидан мамлакатимизда илк мартабада "Турли тизим — ягона ёндашув" тамойили асосида бакалавриятнинг "Тергов фаолияти" ва "Прокурорлик фаолияти" таълим йўналишларида ўқув жараёнлари ташкил этилди. Кибержинойтларга қарши курашишга йўналтирилган "киберпрокурор" ва "кибертерговчи"ларни тайёрлаш учун келгуси йилдан бошлаб

"Киберхуқуқ" бакалаврият йўналиши ташкил этилади.

Магистратурада "Тергов фаолияти", "Прокурорлик фаолияти" шунингдек, миллий таълим тизимида ягона бўлган "Коррупцияга қарши кураш фаолияти", "Инсон ҳуқуқларига оид халқаро хуқуқ" мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, "Киберхавфсизлиги хуқуқий таъминлаш" мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади.

Малака оширишнинг сифат жиҳатдан янги тартиби жорий этилиб, прокуратура ва тергов органлари ходимларининг ҳар уч йилда камида бир марта узлуксиз малака ошириш тизими йўлга қўйилган.

Прокуратура органларининг раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш, янги қабул қилинган ходимларнинг бошланғич ихтисослашувини таъминлаш, ваколатли органлар суриштирувчи ва терговчиларини қайта тайёрлаш бўйича янги тизим яратилди.

Масофавий ва аралаш курслар ҳамда ходимларнинг эҳтиёжларига асосланган таълимнинг электив модели қўлланиб келинмоқда. Бу ҳар бир ходимга бутун хизмат фаолияти давомида шахсий таълим траекторияси бўйича ўз малакасини узлуксиз ошириб бориш имконини яратади.

Портал орқали масофавий ва аралаш курсларини сунъий интеллект технологиялари асосида жорий этиш йўлга қўйилди. Бунда сунъий интеллект асосида яратилган виртуал ассистент ва ҳақиқий тергов амалиётида учрайдиган муаммоларни вазиётларни акс эттирган рақамли симуляция видеолари кенг қўлланилмоқда.

Аҳолига бепул хуқуқий маслаҳат бериш учун юридик клиника ва махсус электрон платформа фаолияти йўлга қўйилган. Бу фаолиятга талабалар жалб этилиб, тажрибали мутахассислар раҳбарлигида амалий кўникмаларини шакллантирилмоқда.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази ташкил этилган. Мазкур йўналишда магистрларни тайёрлаш, шунингдек, илмий кенгаш фаолиятини илмий услубий жиҳатдан таъминлаш йўлга қўйилди.

Кибержинойтчилик ва бошқа глобал таҳдидларга қарши курашиш ҳамда бу борада малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ўтган йилда Президентимизнинг тегишли қарорлари асосида академия таркибига Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Аҳамиятлиси, замонавий киберлабораторияда 439 та мураккаб рақамли тадқиқот ва экспертиза ўтказилиб, 189 та кибержинойт фош этилган.

Академиянинг лойиҳа офисида АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея, Россия, Словения ва Швеция каби давлатлардан жалб қилинган экспертлар ҳамкорлигида 15 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТНИНГ МУҲИМ ПЛАТФОРМАСИ

Парламентлараро мулоқотлар давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва очиқликни кучайтириб, муносабатларни чуқурлаштириш, барқарор тараққиёт ва тинчликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан, 16 декабрь куни Тошкент шаҳрида "Инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий адолат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлида ҳамкорлик" мавзусида Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси парламентлари раҳбарларининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтгани эътиборга молик.

Форум

Унда Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Раиси У Вон Сик, Қозғистон Республикаси Парламент Мажлиси

Раиси Ерлан Кошанов, Тожикистон Республикаси Мажлиси Намояндагон Мажлиси Оли Раиси Ўринбосари Азиз Қодир Гиёзода, Қирғиз Республикасининг Ўзбекистон Республи-

касидаги Фавкулдада ва мутор элчиси Дуйшонкул Чотонов ҳамда Туркменистоннинг мамлакатимиздаги элчихонасининг Муваққат ишлар бўйича вакили Сапа Аннаоразов иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ялпи мажлисда сўзлаган нутқида мазкур учрашув Марказий Осиё минтақасида шаклланиб бораётган янги сиёсий динамика, парламентлараро ишонч ва мулоқотнинг мустақамла-нишида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси парламентлари раҳбарларининг учинчи йиғилиши доирасида Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Тожикистон Республикаси Мажлиси Намояндагон Мажлиси Оли Раисининг ўринбосари Азиз Қодир Гиёзода билан учрашди.

Учрашув

Унда икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган муносабатлар мамлакатларнинг стратегик шериклигини изчил ривожлантириш учун мустақам асос

бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди.

Суҳбат чоғида Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси парламентлари раҳбарлари учинчи йиғилишининг аҳамияти ва унинг натижалари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси парламентлари раҳбарларининг учинчи йиғилиши доирасида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Раиси У Вон Сик бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Халқаро ҳамкорлик

Учрашувда сўнги йилларда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, ишонч ва стратегик ше-риклик тамойилларига асосланган ҳолда изчил ривожланиб

бораётгани, олий даражадаги мулоқотлар фаоллашиб, қўшма лойиҳалар ва ташаббуслар орқали ўзаро манфаатли алоқалар янги босқичга қўтарилгани қайд этилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

ЖЕНЕВАДА «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЙЎЛИ» КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

Кеча Женева шаҳридаги Миллатлар саройида «Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» китобининг тақдими бўлиб ўтди, деҳаб хабар қилмоқда «Дунё» АА муҳбири.



Биз ва жаҳон

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, мамлакатимизнинг БМТнинг Женевадаги бўлинимаси хузуридаги доимий вакили Элдир Тошматов, Женева Дипломатик доираси президенти Роберт Ф. Блум, «Diva International» журнали бош муҳаррири Марит Фоссе, дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар, эксперт доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Катнашчилар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, давлат бошқаруви, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, иқтисодиёт, ташкил, гендер тенглик ва таълим сиёсати ҳақида фикр алмашди.

Таниқли ўзбек сиёсатшуноси, сенатор, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов қаламига мансуб ушбу китобда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг

асосий босқичлари ва Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган тизимли ўзгаришлар акс эттирилган. Нашр давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, гендер тенглик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ислохотлар, мамлакатимизнинг жаҳон сиёсатидаги ўрни бўйича таҳлилий қарашларни ўзида мужассам этган.

Тадбир давомида иштирокчилар китобнинг асосий ғояларини муҳокама қилиб, мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар суръати ҳақида фикр алмашди. Қонун устуворлигини мустақамлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси механизмларини такомиллаштириш, иқтисодий институтларни модернизациялаш, аёллар ва ёшлар учун имкониятларни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал дипломатиядаги ролини

ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сўзга чиққанлар китоб энг янги ислохотлар мантиги ва давлат тараққиётининг стратегик йўналишини янада чуқур аниқлаш имконини берувчи қимматли тадқиқот эканини таъкидлади. Иштирокчиларнинг фикрича, тақдим этилган асар Ўзбекистонда рўй бераётган трансформация жараёнларини теран тушунишга интилаётган халқаро ҳамжамият учун муҳим манба ҳисобланади.

«Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» китоби дипломатлар ва экспертлар томонидан давлатнинг сиёсий иродаси, ижтимоий талаблари ва модернизация суръатларини акс эттирувчи ҳолис ва кенг қамровли асар сифатида юқори баҳоланди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон жадал ривожланиб, нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки халқаро майдонда ҳам ўзига хос ўрин эгалламоқда. Очiq ва прагматик ташқи сиёсат, чуқур иқтисодий ислохотлар ҳамда маданий дипломатияга эътибор туфайли мамлакатимиз халқаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тадбирлар ўтказиладиган йирик марказга айланиб бормоқда.

Сарҳисоб



ДУНЁ НАЗАРИГА ТУШГАН ЮРТ

Мамлакатимизнинг халқаро тадбирлар учун жозибдор марказга айланиши бир неча омиллар билан изоҳланади. Биринчидан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида амалга оширилаётган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мамлакатни ҳар томонлама модернизация қилишга қаратилган бўлиб, у очқик, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва минтақавий ҳамкорликни кучайтириш каби устувор йўналишларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамиятнинг ишончини қозонишга хизмат қилмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон Марказий Осиёда яши қўшничилик муносабатларини мустақамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш борасида етакчи ролни ўйнамоқда. Шунингдек, БМТ, ШХТ, ТДТ, МДХ каби халқаро ташкилотлар доирасидаги фаол иштирок мамлакатимиз нуфузини тора оширмоқда.

Учинчидан, либераллаштирилган иқтисодиёт, хорижий инвесторлар учун яратилган қулай шароитлар, эркин иқтисодий зоналарнинг кенгайтириши Ўзбекистонни йирик иқтисодий форумлар ва саммитлар учун жозибдор манзилга айлантирмоқда.

Тўртинчидан, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлар Ўзбекистоннинг маданий дипломатияси учун беқеъ имкониятлар яратди. Бу қадимжолар халқаро маданият, туризм ва илмий анжуманлар ўтказиш учун ажойиб майдондир.

Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда ШХТ саммити (2022, Самарқанд), ТДТ саммити (2022, Самарқанд), БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош ассамблеяси (2023, Самарқанд), Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йилги йиғилиши (2023, Самарқанд) каби йирик тадбирларга муваффақиятли мезбонлик қилгани мамлакатимизнинг халқаро анжуманларини ўтказиш борасидаги салоҳиятини намоён этди. Бунинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон 2025 йилда ҳам бир неча бор давримизнинг энг муҳим масалалари муҳокама қилинадиган тадбирларни ўтказиш учун таллаб олинди ва бот-бот дунё ҳамжамиятининг диққат маркази бўлди.

Ўзбекистоннинг бу тарихий ва маданий мероси уни илмий ва маданий дипломатия марказига айлантирмоқда. Илмий, маданий ва таълим тадбирлари мамлакатимизнинг «юмшоқ кўч»ини ошириб, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини кенг тарғиб қилишда муҳим восита бўлмоқда. Утаётган йилнинг февралда «Алишер Навоий ва Шарк Ренессанси» IV халқаро симпозиуми қадимий Ўзбекистон замида, гўзал Зарафшон воҳасида Шарк Уйғонши даврининг ёрқин намоёнаси, буюк шoir ва мутафаккир Мир Алишер Навоий номи ила аталадиган нақшон шаҳарда ўтказилгани билан эътиборли бўлди. Бу гагга анжуманда Осиё, Африка, Европа ва Америка қитъалари мамлакатларидан қўлаб таниқли олим ва тадқиқотчилар иштирок этгани ҳам бу фикрнинг яққол тасдиқлайди. 26 апрель куни IV халқаро бахшичилик санъати фестивалининг кўна Шарк гавҳари — бектор Хоразм диёрини ўтказилгани унга алоҳида руҳ ва мазмун бағишлади. Бу ўлқанинг достончилик мактабида гоъяд қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, «Лазги» каби дунёга машҳур мумтоз куй-қўшиқлари, гўзал рақслари айнан ана шу илдилардан озикланиб келмоқда, десак, адашмаган бўламиз.

Азим Самарқандда буюк аллома Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигига бағишлаб «Мотуридийлик — багрикенглик, мўтадиллик ва маърифат таълимоти» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман ҳам Ўзбекистоннинг дунё ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий марказига айланиб бораётганини кўрсатди. «Қалом илмининг султони»,

«Мусулмонлар этикодини тузатувчи» деган юксак эътирофларга сазовор бўлган Имом Мотуридий Урта асрларда — гоъвий курашлар авж олган ўта мураккаб даврда ислом динининг инсонларварлик моҳиятини кенг очиб берадиган ноёб илмий-маърифий асарлар яратгани, турли зарарли оқимлар ва жаҳолатга қарши мардона кураш олиб боргани, ҳеч шубҳасиз, чинакам маънавий жасорат намунаси. Буюк ватандошимиз асос солган ўлмас таълимот муқаддас динимизнинг эъгу ғояларини сохталаштириш, улардан фарзали максатларда фойдаланишга қаратилган бузғунчи ҳаракатларга зарба беришда муҳим ўрин тутди.

Утаётган йилнинг сентябрида Қўқonda учинчи Халқаро хунармандчилик фестивали ва Халқаро кулолчилик форуми халқ амалий санъатини, унинг ривожланиш тарихи, мактаб ва анъаналарини ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қилди. Анжуманда дунёнинг 70 дан зиёд мамлакатларидан 300 нафарга яқин моҳир хунармандлар, халқаро ташкилотлар, маданий ва илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этгани унинг халқаро нуфузи ва обрў-эътибори тора ортиб бораётганидан далолат беради.

Октябрь ойининг охирида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Самарқанд замида бўлиб ўтди. Бундай нуфузли анжуманинг сўнгги 40 йил ичида ilk бор ЮНЕСКО бош

етакчилари, Европа тикланиш ва тараққиёт банки раҳбари Одиль Рено-Бассо, Европа иқтисодий комиссияси ижрочи котиби Татьяна Молчан, Чўланишга қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Иброҳим Тивв ҳамда 2 мингдан ортқ хорижий меҳмонлар, жумладан, миллий ва глобал экологик ташкилотлар, халқаро тузилмалар раҳбарлари, экспертлар, олимлар ва журналистлар, бизнес вакиллари Марказий Осиё олдиде турган долзарб иқлим муаммоларини муҳокама қилишди, экологик барқарорлик, «яшил» иқтисодий тараққиёт ва иқлим ўзгаришига қарши курашишда минтақавий ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқди.

Орадан икки кун ўтиб Тошкентда Парламентларо Иттифоқнинг 150-йилги ассамблеяси ўз ишини бошлади. Анжуманда 140 га яқин давлатлардан 2 мингдан зиёд делегатлар қатнашди. Ҳафтада 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий уюшмани бирлаштирган Иттифоқ ассамблеяси ilk бор Марказий Осиё минтақасида бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ташаббуси билан бу гагга ассамблея «Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати» мавзусига бағишланди. Анжуманда иштирок этиб, нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида парламент институтини ривожлантириш муҳим вазифа сифатида белгиланганини таъкидлади ва

барқарор келажак учун хизмат кўрсатиш жараёнларини жадаллаштириш» мавзусида ўтказилган мазкур халқаро анжуман глобал тараққиётда муҳим ўрин тутадиган давлат бошқаруви ва хизмати тизимини такомиллаштиришга, бу борада халқаро ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Август ойида ўтказилган «Ўзбекистон, Озарбайжон ва Европа: умумий тараққиёт йўлида ҳамкорлик» мавзусидаги юқори даражадаги учрашувда Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалалари, ушбу икки йирик минтақанинг Европа билан ҳамкорлик истиқболлари муҳокама марказида бўлди. Анжуманда ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик жараёнлари жадаллаштириб бораётган Марказий Осиёни жаҳонга янада кенгрок таништириш, минтақаларо ўзаро боғлиқликни мустақамлаш, шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг салоҳият ҳамда имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш юзасидан фикр алмашди.

Наманган шаҳрида 17 сентябрь куни «Камбағалликдан фаровонлик сари» III халқаро форуми дунёда кузатилаётган геосийсий, иқтисодий ва ижтимоий бекарорлик, иқлим ўзгаришлари таъсирида глобал иқтисодий ўсиш секинлашгани, оқибатда камбағал аҳоли сони ошганига эътибор қаратиш имконини берди. Камбағалликни бартараф этиш борасида Ўзбекистон тажрибаси билан танишиш имконияти туғилди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида «Камбағалликдан — фаровонлик сари» дастурининг мазмун-моҳиятига батафсил тўхталди.

«Барқарор энергетика — Янги Ўзбекистоннинг келажак сари ишончли қадами» мавзусидаги халқаро анжуман доирасида соҳа ривожига жуда катта ҳисса қўшадиган қарийб 11 млрд. долларлик 42 та янги қувват ва инфратузилма объекти ишга туширилди. Яна 21 та янги лойиҳа қурилишига старт берилди. Улар тўлиқ қувватда ишлай бошлағач, йилга 15 млрд. киловатт-соат электр генерация бўлади.

Марказий Осиё барқарорлиги нафақат минтақа, балки бутун Европада кўтариш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, 2025 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви ёки МДХ, ШХТ, ТДТга аъзо мамлакатлар тури идора ва вазирликларнинг ўзаро мулоқотлари Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатимизнинг минтақавий хавфсизликни мустақамлаш, терроризм, экстремизм ва наркотрафикка қарши багирлигда курашиш, чегараолди савдо ва транспорт коридорларини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишда муҳим платформа вазифасини бажарганини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг халқаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий тадбирлар ўтказиладиган йирик марказга айланиш жараёни тарихий зарурат ва стратегик қарорларнинг мантиқий натижасидир. 2025 йилда мамлакатда ўтказилган ҳар бир йирик тадбир, ҳоҳ у иқтисодий форум, ҳоҳ хавфсизлик саммити ёки маданий фестиваль бўлсин, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини янада мустақамлади, минтақавий ва глобал жараёнлардаги фаол иштирокчини таъминлади. Бу тадбирлар нафақат мамлакатнинг ўзига, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарорлиги ва тараққиётига ҳам улкан ҳисса қўшади. Ўзбекистон келажакда ҳам очқиклик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлидан бориб, халқаро ҳамжамиятнинг фаол аъзоси бўлиб қолишига ишонамиз.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

ҒАЛАБАЛАР ТАСОДИФИЙ ЭМАС

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва параспорт соҳаси давлат тараққиётининг муҳим стратегик йўналишларидан бирига айланди. Бу йўналишда олиб борилаётган изчил ва мақсадли давлат сиёсати ўзининг аниқ натижаларини халқаро майдонда намоён этмоқда.

Фахр

Хусусан, V ёшлар Параосиё ўйинларида Ўзбекистон ёш параспортчилари томонидан 197 та медал, шу жумладан, 99 та олтин медал қўлга киритилиши мамлакат раҳбарияти томонидан белгилаб берилган инклюзив ривожланиш ва ёшларни қўллаб-қувватлаш стратегиясининг амалий ифодасидир. 35 та давлат иштирок этган мусобақада Ўзбекистон делегациясининг умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаш давлатнинг спорт сиёсати тасодифий эмас, балки тизимли, илмий асосланган ва институционал ёндашуларга таянаётганини кўрсатади. Бу натижа параспорт соҳасида бошқарувнинг марказлашган моделдан натижага йўналтирилган, самарадорликни устувор қўйган янги давлат сиёсати шаклланишидан далолат.

Умуман, бу ютуқлар Ўзбекистоннинг халқаро спорт ареналарида позицияларини мустақамлаб, мамлакатнинг Осиё қитъасида параспорт соҳасида сиёсий ва ижтимоий таъсир кучи ортиб бораётганини аниқлатади. Спортнинг бу туридаги етакчилик — фақат спорт муваффақияти эмас, балки инсон капиталига сармоя киритиш, ижтимоий адолат ва тенг имкониятлар таъминлашнинг давлат сиёсати даражасида таъминлашнинг ёрқин намунаси.

Шу билан бирга, голиб ёш параспортчиларнинг давлат раҳбарияти томонидан эътибор этилиши ва оммавий равишда қадрланиши давлат — жамият — ёшлар ўртасидаги ишонч мустақамлаб, ватанпарварлик, фуқаролик масъулияти ва миллий гурурни шакллантиришга хизмат қилапти. Бу жараён ёшларнинг давлат сиёсати дахлдорлик ҳиссини ошириб, Ўзбекистонда ижтимоий барқарорлик ва миллий бирлигини таъминлашнинг муҳим сиёсий омилларидан бирига айланмоқда. Шу билан бирга, ёшларда ватанпарварлик, ижтимоий масъулият ва юқори спорт натижаларига интилишни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Жаҳон тажрибасида параспортни қўллаб-қувватлашга, аввало, инклюзив жамиятни шакллантириш, инсон капитали сифатини ошириш ва ижтимоий тенгликни таъминлашнинг муҳим инструменти сифатида қаралади. Бу борада ривожланган давлатлар — Япония, Хитой, Жанубий Корея ва Австралия каби мамлакатлар параспортни давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватлаб келмоқда. Халқаро солиштирма таҳлил шуни кўрсатадики, аксарият давлатларда параспорт ютуқлари, асосан, юқори молиявий сармоя, узок йиллик таъриба ва кенг инфратузилмага таянган ҳолда қўлга киритилади. Ўзбекистон мисолида эса юқори натижаларга нисбатан қисқа вақт ичида эришилши давлат бошқарувида натижага йўналтирилган, марказлашган ва илмий асосланган сиёсат самараси сифатида намоён бўлмоқда. Бу мамлакатда параспортни ривожлантиришда институционал ислохотлар, кадрлар тайёрлаш, спорт тиббиёти ва реабилитация тизими комплекс тарзда жорий этилганини кўрсатади.

Шунингдек, халқаро амалиётда параспорт кўпинча фақат натижалар билан баҳоланади, Ўзбекистонда унга ижтимоий сиёсатнинг муҳим қисми сифатида қаралмоқда. Бу ёндашув БМТнинг Инклюзив ривожланиш ва Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳам мос келиб, жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этишини таъминлашга қаратилган. Шу маънода, Ўзбекистон таърибаси параспортни инсон қадрини, ижтимоий адолат ва тенг имкониятлар таъминлаш билан уйғунлаштиришга модел сифатида халқаро майдонда қизиқиш уйғотмоқда.

Параспорт соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар Ўзбекистоннинг халқаро спорт майдонидеги рақобатбардошлигини ошириш билан бирга, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий нуфузини ҳам мустақамламоқда. Бу эса Ўзбекистонни Осиё қитъасида параспорт соҳасида нафақат спорт натижалари, балки инклюзив давлат сиёсати билан ҳам етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олаётганини кўрсатиб турибди.

Жамила БОБОНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Жаҳон банки Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 100 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратади.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

ЮКСАЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШИ

Сунъий интеллект (СИ) XXI асрда тараққиётнинг стратегик ресурсига айланди. У иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, таълим, бошқарув, ахборот коммуникациялари, хавфсизлик каби соҳаларнинг асосий трансформация омилидан бири соҳасида етакчиликни кўлга киритиш учун фундаментал илмий тадқиқотлар, кадрлар тайёрлаш, рақамли инфратузилма яратиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтиришга катта эътибор қаратмоқда.

Таълим сифатини ошириш имконини беришни эътироф этмоқ жоиз. Ҳозирги кунда ушбу мамлакат дунёнинг энг ривожланган 3 та СИ давлати қаторига киришга ҳаракат қилмоқда.

Билан ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Жанубий Корея олийгоҳлари билан ҳамкорлик

Бучеон университети техник таълим, ахборот технологиялари, муҳандислик, медиа технологиялари, соғлиқни сақлаш ва амалий фанлар бўйича етакчи академик марказлардан биридир. Учрашувда IT, компьютер инженеринг, электроника, медиадизайн ва амалий фанлар бўйича қўшма ўқув дастурларини йўлга қўйиш, талабалар учун 1-2 семестрлик алмашинув дастурларини ташкил қилиш, дуал таълим элементларини жорий этиш, Бучеон университети билан ҳамкорликда ишлар олиб бориладиган таълим модели асосида олийгоҳимизда амалиётга йўналтирилган дарс жараёнини кучайтириш, талабаларнинг корхоналар билан ҳамкорликдаги лойиҳаларда ишлаши учун янги имкониятлар яратиш белгиланди.

Гвангжу шаҳрида жойлашган Хонам университети билан меморандум имзолаш жараёнида туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қўшма дастурларни йўлга қўйишда муҳокама қилдик. Боси Навоий ви-

чи олий таълим муассасаларидан биридир. Олийгоҳнинг сунъий интеллект, робототехника, биотибиёт муҳандислиги, «ақли» шахарлар, саноат менежменти каби йўналишлардаги илмий тадқиқотлари бутун дунёда эътироф этилган. Университет раҳбарияти билан учрашувда қўшма таълим дастурларини яратиш, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, дастурий инжиниринг, энергетика, механика ва материалшунослик йўналишларида «2+2» ва «3+1» форматдаги қўшма дастурлар ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди ва қатор йўналишларда ҳамкорлик бўйича келишувларга эришилди.

«Samsung» компанияси музейи

Форум доирасида делегациямиз технология гигантларидан бири — «Samsung» компаниясининг Инновация музейи билан танишди. Музей компаниянинг тараққиёт йўли, глобал телекоммуникация, электроника ва сунъий интеллект санъатининг шаклланиш тарихини ўзда муҳасам қилган. Замонавий технологиялар эволюцияси, СИ ривожланиши ва рақамли дунёнинг илмий асосларини акс эттирган экспонатлар компаниянинг илмий излашлар бўйича стратегиялари, инновациялари амалиётга жорий этиш механизми ҳақида маълумот берди.

Танишув асносида Навоий вилоятидаги ишлаб чиқариш санъати учун рақамли бошқарув, автоматлаштирилган тизимлар, ИОТ ечимларининг жорий этилиши бўйича корейс мутахассисларнинг ёндашувлари ўрганилди. Бу Навоий вилоятининг санъат корхоналарида рақамли модернизация жараёнини жадаллаштириш, ёшлар учун замонавий технологиялар мактабини шакллантириш, сунъий интеллект бўйича амалий билимларни кенгайтириш учун муҳим тажриба бўлиб хизмат қилиши тайин.

Энг муҳими, Жанубий Корея университети тажрибасига асосланган университетимиз хузурида Сунъий интеллект маркази, Робототехника лабораторияси, «Smart Manufacturing» (ақли ишлаб чиқариш) марказини яратиш, «Samsung» тизими ва Ажоу университети тажрибалири асосида корхоналарда СИ мониторинг тизимлари, хавфсизлик ва самардорликни оширувчи рақамли бошқарув платформалари, порт логистикасини оптималлаштирувчи алгоритмлари жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Икки кун давом этган тадбирлар ва унинг доирасида музокараларда 25 дан ортиқ ОТМ делегациялари, соҳанинг таникли олим ва мутахассислари қатнашди. Мамлакатимизнинг тўққиз университети вакиллари форумдаги иштироки юртимиз таълим тизимининг рақамли ўзгаришлар даврида глобал жараёнларга интеграциялашаётганини кўрсатади. Айниқса, Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги академик ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши, СИ бўйича кадрлар тайёрлаш, қўшма илмий лойиҳалар ва рақамли трансформацияга доир ташаббусларнинг кенгайтириш имконияти кўзда тутилди.

Форум натижалари келажакда бутун минтақада илмий-технологик ривожланишнинг янги босқичига замин яратди. Зеро, форумнинг асосий госяи СИ даврида инсон капиталини ривожлантириш, таълим тизимини янги илмий-методик ёндашув асосида модернизация қилиш ва халқаро ҳамкорликнинг самардорлигини ошириш экан, ушбу масалалар Навоий давлат университети вакиллари билан ҳамкорликда муҳокама қилинди.

Форум натижалари келажакда бутун минтақада илмий-технологик ривожланишнинг янги босқичига замин яратди. Зеро, форумнинг асосий госяи СИ даврида инсон капиталини ривожлантириш, таълим тизимини янги илмий-методик ёндашув асосида модернизация қилиш ва халқаро ҳамкорликнинг самардорлигини ошириш экан, ушбу масалалар Навоий давлат университети вакиллари билан ҳамкорликда муҳокама қилинди.

Муҳиддин КАЛОНОВ, Навоий давлат университети ректори вазифасини бажарувчи, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.



Ўзбекистон медиа футбол лигасининг илк мавсуми 2026 йилда ўтказилади

Ўзбекистон медиа футбол лигасининг (United MFL) дастлабки мавсумига бағишланган конференцияда маълум қилинганда, мавлакат спортда илк бор амалга оширилаётган ушбу лойиҳа Спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланди.



Ташаббус ҳамюртларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, шунингдек, футболга бўлган кизиқишни янада оширишга хизмат қилади. Бўлажак мусобақа режасига кўра, чемпионат 2026 йилнинг 1 март куни старт олиб, 14 июнга қадар давом этади. Унда 16 жамоа қатнашади.

Шу билан бирга, келгусида «United MFL» доирасида кубок беллашувларини ташкил қилиш ҳам кўзда тутилган.

Бекзод Қурбонов — олтин медаль соҳиби

БААнинг Абу-Даби шаҳрида от спортининг конкур йўналиши бўйича «CSI4» таснифидagi халқаро мусобақа бўлиб ўтди.



Мазкур нуфузли беллашувда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Бекзод Қурбонов олтин медалга сазовор бўлди. Юртдошимиз ушбу муваффақиятга 135 см. баландликдаги тўсқандан сакраш дастурида эришди. Чавандозимиз «Santos Hippica» лақабли туппори билан 91 нафар иштирокичи орасида энг юқори натижани қайд этди.

Ёш қиличбозларимиз муваффақияти

Утган ҳафта якунида турли шаҳарларда қиличбозлик бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон кубоги босқичлари ўтказилди.



Хусусан, Тошкент шаҳрида ташкил этилган беллашувларда шага бўйича йигитлар ўртасидаги жамоавий мусобақада ҳамюртларимиз шохсупанинг учинчи поғонасига кўтарилишди.

Венгрияда ўтган қизлар ўртасидаги сабля баҳсларида ҳам юртдошларимиз кучли учликдан жой олишга муваффақ бўлди.

Мурасасиз кечган турнир

Туркияда шахмат бўйича туркий тилда сўзлашувчи давлатлар чемпионати ташкил этилди. Мазкур мусобақада 8 та жамоа голибликка даъвогарлик қилиб, ҳар бир жамоа 2 нафар шахматчи билан 7 та турдан иборат баҳсларда ўзаро куч синашди. Ўзбекистон терма жамоаси шарафини Муҳаммадзоҳид Суярлов ва Руқия Олимова ҳимоя қилди.

Мусобақада ҳамюртларимиз ўтказилган турларнинг бештасида галаба, битта дуранг ва битта маглубият ҳолатини қайд этди ва 11 очко жамғариб, 2-ўринни эгаллади. Шахматчиларимиз сингари 11 очкога эга Озарбайжон терма жамоаси қўшимча кўрсаткичлар эвазига 1-ўринни, 9 очкони кўлга киритган Туркия терма жамоаси шахматчилари 3-ўринни банд этди.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

«Elektron Realtor» МЧЖ



тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги 142-қарорига асосан «O'zsanomatqurilishbank» АТБ балансида бўлган:

— Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Чотқол» МФЙ, Тонг юлдузи кўчаси, 323-«А» уйда жойлашган гишт заводи биноси сотилади.

Сотиш шартли ва нархи бўйича «www.e-rieltor.uz» сайти орқали, савдога қўйилган мулклар билан эса бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Call-марказ: +99855-517-22-20. Расмий сайтими: www.e-rieltor.uz

«E-AUTOTECH» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ташкиллаштириладиган авто, махсус транспорт, ускуналар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги 142-қарорига асосан «O'zsanomatqurilishbank» АТБ балансида бўлган:

- Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Сўғдиёна» МФЙ (Сергели 3-мавзеси, 4- уй)да жойлашган фронтал погрузчик;
- Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 7-уйда жойлашган пайпоқ ишлаб чиқариш ускунаси сотилади.

Сотиш шартли ва нархи билан «e-autotech.uz» сайти орқали танишиш мумкин.

Савдога қўйилган мулкларни бевосита жойига чиқиб кўриш имконияти мавжуд. Савдода иштирок этиш учун талабгорлар «e-autotech.uz» платформаси орқали ариза беришлари керак.

Call марказ: +99855-517-22-20. Расмий сайтими: www.e-autotech.uz

Таваккал Қодиров таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКОнинг халқаро юбилейлар рўйхатига расман киритилди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида тартиб ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқудов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.40 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6